

**Трактор ва автомобилларнинг
илашиш муфталари ва узатмалар
қутиси, вазифаси, турлари**

УҚ нинг асосий учта вазифаси мавжуд:

- Узатишлар сонини ўзгартириш ҳисобига машинани тезлигини ўзгартиради, бу эса муайян машинани буровчи моментини ўзгартиришга олиб келади.
- Машинани орқага юришини таъминлайди.
- Агар УҚ ни ричаги нейтрал холатда бўлса, бирламчи (етакчи) вални иккиламчи (етакланувчи) валдан узиб, буровчи моментини ва ҳаракатини ўтказмасдан машинани ишлаб турган двигател билан узок вақт тўхтаб туришини таъминлайди.

Узатмалар қутиларининг таснифланиши.

I. УК биринчи навбатда узатиш сонини ўзгартириш усули бўйича классификацияланади. Улар поғонали, поғонасиз ва комбинацияланган бўлади.

Поғонали УК берилган узатиш сони диапозонида белгиланган, ўзгармас сонга эга бўлиб, бу сонлар ҳар бир узатмада машина трактор агрегатини унумли ва тежамкор ишлашини таъминлайди.

Поғонасиз УК белгиланган диапозонда исталган керакли узатиш сонини ҳосил қилиб беради, бу эса машина трактор паркини энг қўлай режимида ишлашини таъминлайди.

Комбинацияланган УК агар одатдаги поғонасиз УК диапозони кам бўлиб, узатиш сонини зарур қийматларга автоматик равишда ўзгартира олмаса, шундагина қўлланилади. Бу холларда иккита УК лари комбинацияси ўрнатилади, - биринчиси, барча узатиш сонлар диапозонини ўз ичига оладиган, аммо узатмалар сони кам бўлган поғонали УК; иккисици ўрнатилган поғонали УК ни ҳар бир поғонасида ҳосил бўлган интервалида, машина трактор агрегатини иши қўшимча поғонасиз УК билан бошқарилади.

II. Буровчи моментини ўзгартириш усули бўйича поғонасиз УК механик, гидравлик, электр ва комбинацияланган турларига бўлинадилар.

Поғонали УК ларида ушбу кўрсатгич факат механик равишда бажарилиб, буровчи моментни ўзгартириш чегараланган ва имконияти кам бўлган тишли фидираклар (шестернялар) жуфтлари сони билан ўзгартирилади.

III. Бошқариш усули бўйича УК қўл билан бошқариладиган, яrim автоматик ва автоматик равишда бошқариладиган бўлади.

Машина трансмиссияси агрегатларига қўйиладиган умумий талаблардан ташқари барча УҚ иккита асосий эксплуатацион талабларга жавоб беришлари керак:

- Машинага керакли тезлик-тортиш режимида унумли ишлаши учун узатиш сонлар диапозони етарли бўлиши.
- Машина двигателининг оптимал юкланишида машина трактор агрегатини унумли ва тежамкор ишлашини таъминлай оладиган узатиш сонлар тизамини танлаш имконияти бўлиши.

Аксарият қишлоқ хұжалигіда поғанали УҚ күлланғанлиги сабабли уларни таснифланишига күпроқ эътибор берилади.

Поғонали УҚ лари қўйидаги хусусиятлари бўйича классификацияланади:

- Узатма ҳосил қилиш усули бўйича.
- Шестерияларини тишлашиш усули бўйича.
- Узатмаларни ўзгатириш бўйича.
- Бошқариш усули бўйича.
- Трактор ва автомобильни бўйлама ўқига нисбатан УҚ валларини жойлашиши бўйича.
- Конструтив компоновка бўйича.
- Кинематик схема бўйича.

Узатма ҳосил қилиш усули бўйича УҚ валлари қўзғалмас, айланувчан ва комбинацияли бўлиши мумкин. Шу кунда ишлатилаётган тракторларни кўпчилигада УҚ валлари қўзғалмас қилиб ишланган. Автомобилларда эса валлар айланадиган қилиб ишланади.

УҚ да шестерияларни қўшилиш усули бўйича – қўзғалувчан кареткалар ёки муттасил тишлишган (қўшилган) шестериялар бўлиши мумкин.

Узатмаларни қўшиш усули бўйича.




УҚ тракторни тўхтатиб (қувват оқимини узатиб) ва трактор тўхтамасдан (кувват оқимини қисқа вақтга узиб) узатмаларни алмаштириш мумкинлиги бўйича бўлинади.

Биринчи усулда узатмаларни алмаштириш (қўшиш) албатта УҚ валларини тўхтатиб турганда бажарилади.


Иккинчи усулда УҚ в) ва г) схемалари бўйича бажарилади.

Поғанали УҚ қўйидаги механизимлар мавжуд:

1. Бир вақтда икки узатмани қушиб кетишга йўл қўймайдиган механизим.
2. Қўшган узатмани ўзидан ўзи чиқиб кетмаслигини таъминлайдиган механизим.
3. Ҳаракат давомида шестеряларни ёки тишли муфталарни шовқинсиз уланишини таъминлайдиган узатма.
4. Тракторларда илашиш муфтаси педали босилмагандага узатмани алмаштиришига йўл қўймайдиган механизим




Трактор УК бошқариш механизми 1. бошқариш ричаги; 2. күзғалмас шарнер; 3. кулиса; 4. ползун; 5. пружина; 6. фиксатор; 7. вилка; 8. күзғалувчан каретка; 9. блокировка вали.




a)


а) схемасида узатмаларни қүшиш каретка 2 ни вал 1 шлицаси бўйича бўйлама силжитиши орқали бажарилади. Каретка 2 вал 3 да жойлашган қўзғалмас шестернялар 4 билан тишлишиш натижасида ҳаракат вал 1 дан 3 га узатилади.



б) схемда тишли муфта 3 ни бўйлама силжитиши билан узатма қўшилади. Шуни айтиб утиш керакки факат тишли муфта 3 вал 1 билан боғланган, 2 ва 5 шестернялар вал 1 га эркин (бирга айланмайдиган) килиб ўрнатилган.



Синхронозаторлар ишлаш услуби в) схемада күрсатилиб унда вал 1 нинг тишли муфтаси б) вал 1 да эркин ўрнатилган. 2 ва 7 шестерняларни гардишларига қўшилишдан аввал уларни бурчак тезликларини тенглаштиради. Бу ҳолатга сиқувчи ҳалқа 3 ва ступицани конуссимон сиртлари контактларида ишқаланиш кучи ёрдамида эришилади. Сиқувчи ҳалқа 3 ўз навбатида муфта 6 ни қурилмаси 4 билан бикрли боғланади. Қурилма 4 га УК бўйича куч бурилса у пружинали фиксатор 5 қаршилигини енгиб силжийди ва узатма шовқинсиз уланади.



2)

г) схемада узатмалар қўшилиши M_1 ва M_2 кўп дискли фрикцион муфталар орқали бажарилади, одатда фрикцион дискларни бир-бирига гидравлик сикувчи механизм ёрдамида бирлаштирилади. Дискларни умумий ташқи барабани 3 вал 1 билан бирга айланади, дискларни ички барабанлари эса вал 1 га эркин ўрнатилган 2 ва 4 шестернялар ступициаларига маҳкамланади.

Бошқариш усули бўйича.

УҚ да механик, гидравлик ва электромагнит механизмлари қўлланиши мумкин. Автомобилнинг синхранизатори УҚ да узатмаларни алмаштириш одатда механик усул билан бажарилади, бунда қўл кучи таъсирида ричаг ва торткич тизими қўзғалувчан каретка ёки блокировка муфталарини силжитади.

УҚ валларини машинани бўйлама ўқига нисбатан бўйлама ва кўндаланг жойлашиши бўйича бўлинади.

УҚ валларини кўндаланг жойлаштирилиши одатда айрим замонавий олдинги ғилдираги етакчи автомобилларда, ҳамда тортиш қобиляти кам бўлган 0,6 ва 0,9 синфли айрим ғилдиракли тракторларда қўлланилади. Бу усул қўлланилганда трактор ва автомобилларини бўйлама базаси камайтирилади, бу эса уларни кам бурила олишини, автомобилларида кардан узатмадан воз кечишни таъминлайди, ундан ташқари орқа кўприкдаги (олдинги кўприкдаги) конуссимон асосий узатмани, ФИК ортиқроқ ва арzonроқ бўлган цилиндриксимон асосий узатмага алмаштиришга имкон беради.

Конструктив компановкаси бўйича УҚ икки русумда бўлади:

- УҚ алоҳида агрегат куринишида бажарилиб тракторларда орқа кўприкни олди деворига маҳкамланади. Автомобилларида эса тишлишиш муфтаси кожухага ўрнатилади.
- УҚ орқа кўприкнинг умумий корпусини олдинги булинмасига ўрнатилади, яъни умумий трансмиссия корпусига бошқа агрегатлар билан бирга жойлаштирилади.





Кинематик тизим бўйича

УҚ икки валли (бир жуфтли), уч валли (икки жуфтли), таркибий ва махсусларга бўлинади. УҚ ни кириш вали бирламчи, чиқиш вали эса иккиламчи вал деб номланади.

Икки вал УҚ да қувват оқими бирламчи валдан параллел жойлашган иккиламчи валга ҳама вакт фақат бир жуфт шестернялар орқали узатилади ва ҳар бир жуфт шестернялар алоҳида узатмани ташкил этади.

Уч валли УҚ да тракторнинг асосий узатмаларини ҳосил қилишда қувват оқими бирламчи валдан аввал қўшимча, доимо қўшилган бир жуфт цилиндрическимон шестернялар орқали оралиқ валга, ундан кейин эса яна бир жуфт шестернялар орқали параллел иккиламчи валга ўзатилади. Автомобил УҚ фақат «тўғри» узатмадан эса оралиқ вал ёки иккиламчи валга узатилади. Шуни айтиш керакки «тўғри» узатма узатиш сони 1 га teng ёки 1 дан кичкина бўлиши мумкин ($i=1$ ёки $i < 1$).

Узатмалар қутисини ишлаши ва принципиал кинематик схемалари.







Уч валли УҚ лари күйидаги афзалликларга эга:

- асосий ишчи узатмаларида ҳама вакт икки жуфт шестернялар иштирок этганлиги сабабли икки валли УҚ ларига нисбатан узатиш сонлар диапозони анча күпрөк бўлади;
- тўғри (транспорт) узатмасини ФИК юқори бўлади;
- орқа кўприкдаги асосий узатмани бажариш соддалашади, чунки уни цилиндрсизмон жуфт шестернялардан бажариш мумкин (конуссимон шестернялар ўрнига).


Уч валли УҚ ларини камчиликлари:

Ишчи узатмаларидаги ФИК икки вал УҚ ларига нисбатан кам, чунки ҳаракат ўтказиш жараёнида икки жуфт шестернялар иштирок этишлари туфайли механик йўқотишлар ортади;


- вални кўп эгилиши мумкинлиги сабабли олдинга 5-6 сондан ортиқ узатма олиш мумкин бўлмайди.




УК да турли узатмалар құшилганида ҳаракат узатилишини күрсатувчи схема.
а) нейтрал; б) биринчи узатма; в) иккинчи узатма; г) орқага юриш.



Доимий қүшилган шестерняли УК



УҚ бошқарилишини ифодаловчи схемаси.



Оддий, бир узатмали УК схемаси

1. Бирламчи вал;
2. Бошқариш ричаги;
3. Ползуунлар жойлашган жой;
4. Иккиламчи вал;
5. Мой түкиш тиқини;
6. Оралиқ вал

Ривожланиш истиқболлари.

1. Пoғанасиз УҚ күпроқ қўлланилади;
2. Узатмаларни тракторни тўхтатмасдан алмаштирадиган УҚ қўллаш;
3. Шестерния тишларини такомиллаштирилган шакилларда бажариш-ишончлилигини ошириш;
4. Янги русумли пулатлар қўллаш;
5. Доимий қўшилган шестернялар қўллаш;
6. Синхронизаторлар қўллаш;
7. Секинлаштиргичлар қўллаб, трансмиссияни универсаллигини ошириш.